

Маҳаллалар инфратузилмасини ривожлантириш ишлари давом этмоқда



Сурхондарё вилоятидаги маҳаллаларда биринчи навбатда амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастурига асосан Термиз туманидаги қатор маҳаллаларда ички йўлларни таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Жумладан, куни-кеча Термиз тумани “Термиз” маҳалласининг 1,2 км ички йўлларида асфальт қопламасини ётқизиш ишлари амалга оширилди. Амалга оширилаётган тадбирлар сифати туман ҳокимлиги мутасаддилари ва бошқа соҳа масъуллари томонидан назорат қилиб борилди.

Туманнинг бошқа маҳаллаларида ҳам инфратузилмаларни ривожлантириш тадбирлари давом этмоқда.